



## “БОБОТОҒ БАҒРИДА ТУҒИЛГАН ҚУЁШ”

ёхуд Эшқобил Шукур шеъриятида қуёш хайрати

Улдона АБДУРАҲМОНОВА,

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат

ўзбек тили ва адабиёти университети 3-босқич докторанти

Тошкент, Ўзбекистон

[uldana.abdurahmonova@mail.ru](mailto:uldana.abdurahmonova@mail.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада Эшқобил Шукур шеъриятида боқийлик, сирлар муҳофизати, донишмандлик, билим, ақл, нафс, ёвузлик ва ғорат этувчи куч, севимли ёр, идеал муҳаббат тимсоллари бўлиб келадиган илон образи шоир ижодий шахсиятига хос уч билим таажжуби (фольклор, қадим туркий тилдаги ёзма ёдгорликлар ва шарқ-ислом маърифати) билан бевосита боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** илон, тупроқ, ақл, нафс, муҳаббат, билим, билим таажжуби, оқ илон, фольклор, образ, маърифат.

Маълумки, илон образи жаҳон халқлари мифологиясида ва ўзбек фольклорида ҳам кўпинча сув культига дохил<sup>17</sup>. Аммо истеъдодли шоир Эшқобил Шукур шеъриятида у кўпроқ тупроқ метафоралар тизимида мансубдек туюлади. Бу образ турли шеърларда боқийлик, сирлар муҳофизати, донишмандлик, билим, ақл, нафс, ёвузлик ва ғорат этувчи куч, севимли ёр, идеал муҳаббат тимсоллари бўлиб келадигани, уларнинг ҳар бири шоир ижодий шахсиятига хос уч билим таажжуби (фольклор, қадим туркий тилдаги ёзма ёдгорликлар ва шарқ-ислом маърифати) билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, “**Авралган илон**” шеъри<sup>18</sup>ни олсак, кўнгилнинг ўзини, инсоннинг инсон сифатида ҳам, миллат вакили сифатида ҳам ҳаётдан ўз ўрнини излаши билан боғлиқ умумконцептуал муаммолар талқинида парадоксал мантиқ йўлидан борилади (бу шеър ёзилган 1988 йил муҳитида шундан ортиқ мантиқнинг

<sup>17</sup> Аждодларимиз илонни мўл ҳосил гарови – оби ҳаёт тимсоли деб билишган, ёмғир томчисига қиёслашган. Шунинг учун ҳам қадимги осори атиқалардаги илон тасвири ёмғир культига алоқадор тимсол деб талқин қилинади. (УА)

<sup>18</sup> Эшқобил Шукур. Яшил кушлар. – Т.: Ёзувчи, 1995. 7-бет.



ўзи йўқ эди асли). Чунки илон авралиши бир ўқишда ақл мантиғига тўғри келмайди, парадокс бўлиб туюлади. Илон авраши кўпинча хою ҳавас, ўткинчи дунё тамсилини ҳам беради, бироқ авралган илон ниманинг рамзи?

Хўш, шоир тасаввуридаги авраган эмас, авралган илон образи нима маъно касб этади? Бизнингча, бу шеърдаги асосий калит сўзлардан бири – “*Муқаддас битик бор олтин бошимда*” сатри бўлиб, бу “Ирқ битиги”даги “*олтин бошли илон*” образи<sup>19</sup>ни ёдга солади. Профессор Насимхон Раҳмонов “Ирқ битиги”даги бу парча мазмуни туркийларнинг “*агар уйда илон пайдо бўлса, уни уч кунгача ўлдириш керак эмас, тўртинчи кун ўлдириш керак. Агар илон уч кун ичида уйдан ўз-ўзидан кетса, уй эгасига даромад, бойлик келади*”, деган миллий тасаввурлари, қадимий қарашлари ва ишончлари билан боғлиқ эканини таъкидлайди: “*Юқоридаги эпизодда илон уч кун ичида ўлдирилгани учун ёмонлик белгиси деб баҳоланмоқда*”<sup>20</sup>. Шарқ-ислом ақида илмида ҳам оқ илонга тегмаслик; думи кесик ва ортида икки қора чизиғи бор илонларни дарҳол ўлдириш; бошқа турдагиларини эса уч марта огоҳлантириш ва шундан кейин ҳам кетмаса қатл қилиш буюрилган<sup>21</sup>.

Аммо гап бу ҳақида эмас, гап “авралган илон” образининг поэтик юки, миссияси ва маъноси ҳақида. Шеър структурасини кўрсак, ғамли, қайғули илоннинг “авралган чумчукдек” ҳолга тушишининг сабаблари сифатида эътиқод заифлиги, иймон сустлиги, ҳайрат йўқлиги (“*Иссиқ меҳробларга бошимни қўйиб, //Совуқ кўзларим-ла кўп йиғлайдирман*”); миллат сифатида ўз тақдирини ўзи ҳал қилолмаслиги, мустақиллик/озодлик/хурлик йўқлиги, тарихдан узилиб қолинганликка (“*Муқаддас битик бор олтин бошимда. // Бу битикни ўймоқ мумкин эмасдир // На қозоғза, на-да тоғлар тошига*”) қарамай, ҳали умид тириклигига (“*Кун бўйи суйайман сўнгги устунни*”) ишора қилинарсан, шеър ёзилган давр (1988 йил) муҳитига асосланиб, “авралган илон” – алданган, енгилган, хўрланган инсон/миллат тимсоли эканини англагандек бўламиз. “Олтин бош”даги “муқаддас битик” эса энг аввало эркинлик,

<sup>19</sup> Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимги хикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. 48-бет.

<sup>20</sup> Н.Раҳмонов Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1993. 114-бет.

<sup>21</sup> “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйлардаги илонлар ҳақида сўралдилар. Шунда у зот: “Агар улардан бирортасини масканларингизда кўрсангиз, “Нух сиздан олган аҳднома хурмати, Сулаймон сизлардан олган аҳднома хурмати, бизга озор бермаслигингизни сўрайман”, денглар. Яна қайтиб келсалар, уларни қатл қилингллар», дедилар». Абу Довуд, Термизий ва Насайий ривоят қилишган. <https://islom.uz/maqola/12779>



мустақиллик ғояси эди ва шоир бу озодлик абадулабад бўлишини ният қилиб, уни боқийлик рамзи бўлган илоннинг пўстини излаш образига (“*Тунлари битикни ўймоқлик учун // Изларман ташлаган пўстимни*”) жо қилади.

“Кўз юмиб туркуми” да эса шоир Қирққиз афсонаси мотивида илон образини яна енгилган инсон/миллат рамзи сифатида жонлантиради:

*“Қирққиз кўрғонида*

*бир илон кўрдим...*

*Қирқ йилда юзага чиққан бу илон*

*харобалар бўйлаб сузиб борарди.*

*Илон оппоқ эди – қор каби совуқ...*

*Кекса Дарахт момо менга айтдики:*

*“Қирққиз сочларидан қолган бу илон,*

*Бир кечада қордай оқариб кетган,*

*Сим-сиёҳ сочлардан қолган бу илон”<sup>22</sup>.*

Қирққиз кўрғони<sup>23</sup> билан боғлиқ афсонага кўра, қирққиз ҳалок бўлади (айрим версияларда душман билан курашиб енгилди; баъзи версияга кўра, ёвдан номусини ҳимоя қилиб тошга ёки дарахтга айланади). Кўрғон номи, қизлар сони ва илоннинг юзага чиқиш муддати бир хил – қирқ рақами билан боғлиқлиги тасодиф эмас: а) қирқ – мукаммаллик, яқун, тўлиқлик, буюклик, илохий қудрат тимсоли; б) “*қирқ йилда юзага чиққан илон*” ўхшатиши халқ оғзаки ижоди ва фольклордаги “*илон қирқ йил одам кўрмаса (ёки еростида яшаса) – пари (ё аждар)га айланади*” деган қараш/тасаввур/ишонч билан уйғун (“Илонпари” эртаги ва ҳқз); в) оппоқ илон – мўмин-мусулмон банда рамзи (ҳадисларда жин дейилган). Туркий халқларнинг энг қадимги мифологик қарашларида илон ҳаёт дарахтининг, эзгуликнинг зооморф тимсоли сифатида қаралгани<sup>24</sup> ҳам шоир бу шеърида илон ва дарахт тимсоллари бинарлигига ўз-ўзича келиб қолмаганини кўрсатади.

<sup>22</sup> Эшқобил Шукур. Кўз юмиб кўрганларим. – Т.: Akademyashr, 2013, 20-21 бетлар

<sup>23</sup> Қирққиз кўрғони – Термиз туманидаги IX-X асрларга оид меъморий ёдгорлик. Нима мақсадда қурилгани (қалъа, сарой, хонақоҳ, қарвонсарой) ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ўрта асрларда Термиз қалъаси ташқарисидидаги кўрғон вазифасини ўтаган. Афсоналарга кўра, душманлар ҳужумини қайтара олган қахрамон қиз Гулойим ва унинг 39 дугонаси айнан шу ерда яшаган. (УА)

<sup>24</sup> Батафсил қаранг: Д. Файзиёва, Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2004 й.



Илоннинг “Кекса Дарахт момо” образи билан бинарликда келаётгани ҳам бежиз эмас.

Илон – хазина кўриқловчи, сирлар посбони рамзлари ҳамдир. Шу боис ҳам мумтоз адабиётимизда, одатда, ёрнинг юзи ганжга, сочи/зулфи эса бу хазинани кўриқлаётган илонга менгзалади, ғазалларда, одатда, зулф, илон ва афсун сўзлари доимо бирга қўлланилади (масалан, Алишер Навоийда: “Кечаким зулфунг хаёли кўнгулм ичра айланур, // Тонгга тегру заъфлиқ жисмим йилондек тўлганур”<sup>25</sup> ёки “Зулфунг оллида фусунгар кўзларинг ҳар гўшадин, // Гўйи ул мушкин йилон қайдига айларлар фусун”<sup>26</sup> ёхуд “Йилон афсун қилурдин банд ўлур зулфунг, не воқиъдур // Ки, қилмиш юз кўнгулни банд зоҳир айламай афсун”<sup>27</sup> ё “Яна зулфунг бузуғлуқ солди кўнгулм хонумонинда, // Йилон андоқки солгай қўзғолон қуш ошёнинда”<sup>28</sup> ва ҳкз;). Мумтоз адабиётимизда “илоннинг авраши” (ёр жамоли жилваси) – ошиққа маҳбуб бўлади, зарар бермайди (сўфийликда зулф Ҳақнинг лутф ва қаҳр сифатлари билан тажаллий қилиши, Ҳақнинг, Ҳақ жамоли бирлигининг яширин қолиш сабабчилари, олам тимсоли бўлиб келади<sup>29</sup>), бу юнон афсоналаридаги горгонлар (илон сочли қанотли мудҳиш махлуқлар) берадиган мазмун эмас. Шу маънода Эшқобил Шукурнинг Қирққиз кўрғонидаги илонни қизлар сочига ўхшатишида (“Қирққиз сочларидан қолган бу илон”) мумтоз адабиётимизга хос рамзлар тизимига таянган, дейиш учун ҳам, бу илон образининг сув культидан кўра тупроқ метафоралар тизимига мансублигига ҳам асос етарлидир.

Умуман олганда, Қирққиз кўрғонида қирққиз сочларидан қолган, қирқ йилда юзага чиққан оқ илон – мағлубиятларда тобланган ақл, енгилмаган ор-номус, унутилмаган тарих тимсолидир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

<sup>25</sup> Алишер Навоий. МАТ. Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989. 103-бет.

<sup>26</sup> Ўша манба. 319-бет.

<sup>27</sup> Ўша манба. 331-бет.

<sup>28</sup> Ўша манба. 385-386-бетлар.

<sup>29</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдулҳамид Қурбонов. “Зулф – сўфиёна истилоҳда олам рамзи”, манба – <https://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/abdulhamid-qurbonov-zulf-oy-zuhal.html>.



1. Алишер Навоий. МАТ. Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.
2. Д. Файзиева, Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти):  
Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Тошкент, 2004.
3. Ирқ битиги – Таъбирнома // Қадимги ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат,  
1987.
4. Н.Раҳмонов Турк хоқонлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1993.
5. Эшқобил Шукур. Яшил қушлар. – Т.: Ёзувчи, 1995.
6. Э.Шукур. Кўз юмиб кўрганларим. – Т.: Akademnashr, 2013.